



ARTICLE INFO

Received: 14th December 2022

Accepted: 23th December 2022

Online: 24th December 2022

KEY WORDS

Абдурауф Фитрат,
жадидчилик, Туркистон,
“Хуррият” маориф, Бухоро.

Қомусий олим давлат ва жамоат арбоби, Абдурауф Фитрат амирлик худудида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни фақат қоғозга туширибгина қолмасдан, уларга фаол сиёсатчи, сифатида ўз муносабатини билдириб келган. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган воқеа-ҳодисаларни холис баҳолаб, ўзининг илмий мақолалари, рисола ва асарларида кенг тадқиқ қилиб борган.

Самарқандлик жадидлар томонидан 1917 йилнинг 15 апрелидан бошлаб “Хуррият” газетаси чиқа бошлайди. Газетанинг 1918 йилги 27-сонидан то охири 87-сонигача Абдурауф Фитрат муҳаррирлик вазифасини бажарган.

“Хуррият” газетасида Абдурауф Фитратнинг “Бир ўзбек йигитининг тилидан” (ўша газета, 18 август) бадихаси нашр қилинган бўлиб, унда Ватан бош-оёғи яланг, танасида ададсиз қамчи излари, кўксидаги яраларидан қон тома-ётган ҳолсиз, дармонсиз аёл тимсолида тасвирланган. Бу тимсол, бу хаёл “ўзбек йигити”ни тушида ҳам,

АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ ИЖОДИЙ ВА СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

Аҳмадова Зебинисо Шавкатовна

“Миллий тикланиш” демократик партияси Бухоро
вилояти кенгаши бош мутахассиси,

Бухоро давлат университети мустақил изланувчиси
телефон: (+998905122324)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7479152>

ABSTRACT

Мақолада қомусий олим, сиёсатчи, жамоат арбоби Абдурауф Фитратнинг Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, воқеа-ҳодисаларга доир фаоллиги илмий таҳлил этилган.

ўнгида ҳам таъқиб қилган. Ўзбек йигити “ғамли она — муқаддас Турон”дан айрилмоқни ўзи учун ўлим, унинг учун ўлмоқни эса тириклик ҳисоблаган ва уни уни қутқаришга қасам ичган: “Устимга илонлар эмас, шайтонлар қўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари чопарман. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени қутқараман. Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман!.. Ўлим сенинг ўлиминг истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга!” [1]

Бошқа бир мақоласида эса “шарафи таланган, номус-эътибори, имон-виждони оёқ ости бўлган, юрти улоғи, ўчоғи ёт қўлларга тушган” авлод номидан соҳиброн Амир Темурдан паноҳ сўраган[2].

Шу газетанинг 1917 йил 49-сонида “Хабарлар” рукнида 25 октябрда Қишки саройнинг эгалланиши ва Муваққат ҳукуматнинг қамоққа олиниши



муносабати билан Фитратнинг “Русияда янги бир бало бош кўтарди — болшевик балоси!” деган қайдини кўриш мумкин[3]. Мутафаккир сўнгроқ бу воқеани “Юрт қайғуси” сифатида баҳолади.

1917 йил 15 ноябрда Ленин ва Сталин имзо чеккан “Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси”даги “миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи”, “барча миллий ва миллий-диний имтиёзлар ва чекланишларни ман этиш” ҳақидаги баёнот бир четда қолиб кетди. Туркистоннинг 98 фоизини ташкил этувчи 10 миллион мусулмонларнинг хоҳиш-иродаси билан ҳеч ким ҳисоблашмади.

Ақсинча, “мусулмонларни ўлка олий инқилобий органига киритиш” мумкин эмас деб топилди. Мана шундай бир шароитда 26 ноябрда Қўқонда ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV курултойи очилди. Унда ўлканинг турли шаҳарларидан 203 вакил иштирок этди. Муҳими шундаки, йиғин миллий ва диний чеклашлардан ҳоли бўлди. Ҳайъатга сайланганлар орасида европаликлар ҳам бор эди. 27 ноябрь кечда қурултой тарихий қарор қабул қилиб, Туркистон мухториятини тузган[4,11-12]. Фитрат Туркистон мухториятини юксак эътироф этиб, у эълон қилинган 27 ноябрь тунини “миллий лайлатулкадримиз” деб атади: “Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди. Молимиз таланди. Шарафимиз емурулди. Номусимиз ғасб қилинди. Инсонлигимиз оёғлар остига олинди. Тўзимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйунсундук.

Бутун борлиғимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадук, ёшунтурдук, имонларимизга ўраб сақладук. Бу — Туркистон мухторияти! Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз, турмаларда ётганда, йиртғуч жандарманинг тепкуси билан йиқилганда, юртларимиз ёндурулғонда, диндошларимиз осилғонда онгимиз йўқолди. Миямиз бузулди. Кўзимиз ёғдусиз қолди. Бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда тушқун руҳимизни кўтармак учун, шул қоп-қоронғу дунёнинг узоқ бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб тура эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўра эди. Ул нима эди?— Туркистон мухторияти!”[5]

“Хуррият” газетасида Фитратнинг Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга бағишланган мақолалари ҳам чоп этиб борилган. Унинг “Бухоро уламоси” мақоласида уламоларнинг жамиятни бошқаришдаги ўрни, ҳаракатлари, уларнинг мамлакатда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабатлари ва қарашлари, шу билан бирга ўзининг раҳбарлигида жадидларнинг талаби билан амир томонидан қозикалон Бурҳониддин, раис Абдуллахўжа Садур ва муфти Аскар Маснаф маҳдумларнинг қатл эттирилгани, уларнинг ўрнига эса Муҳаммад Шариф маҳдумнинг - қозикалон ва Абдуҳамид маҳдумнинг - раис этиб тайинланганлиги ҳақидаги маълумотлар ёритилган [6].

“Хуррият” газетасининг 1918 йилги 62-сонида “Бухоронинг ҳоли” мақоласи чоп этилган бўлиб, унда амирликдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга таъриф берган ҳолда, жадидларни жиддий ҳаракатга чорлаб, шундай ёзган: “Энди



Бухоро ёшлари учун лозимдирким “баённома – ҳамма бунга кўмак этмак” шиорини мияларидан чиқарғайлар. Бухоро инқилобинини истар эсалар, инқилобчиларга ярашур ҳаракатлар қилғайлар. Яхши сўзлар билан, тавозелар билан, ёлворишлар билан Бухоро ҳукуматинини йўлга келтурмак бўлмас. Золимларнинг бир табиати бордир: “Қочганга - қувар, қувганга - қочар”. Золимларнинг шу табиатларинини, шу “аҳволи - руҳиялари”ни кўзда тутмайин ҳаракат қилатурганлар хато йўлдадилар, зарар кўрарлар. Кўрқмайин, тортинмайин кескинроқ ҳаракат қилмоқ керак”[7].

Шу газетанинг 75-сонидан эълон қилинган “Бухорода инқилоб” номли мақоласи эса кейинчалик А. Фитрат томонидан ёзилиши режалаштирилган рисоланинг бошланғич бобидир. “Хуррият” газетасинини чоп этиш тақиқланганлиги сабабли ушбу рисола охирига етказилмаган ва кейинчалик ҳам алоҳида шаклда ёки бошқа вақтда нашрларда эълон қилинмаган. Бу мақолада А.Фитрат 1917 йил 7 апрелда эълон қилинган амир манифести, унга нисбатан Бухоро уламолари ва ёшларининг турли хил муносабатлари натижасида амирликда юзага келган қалтис вазиятни ёритиб, таҳлил қилишга ҳаракат қилади ва шундай ёзади: “Дунё ҳодисалар ўчоғидир” – демишлар, бу тўғри сўз. 28 февралда Россияда хуррият бўлди. Император Николай II тахтдан туширилди. Консул Миллер Когондан Бухорога келиб, “Наминол” ҳовлисида ўтирди. Халқ оғзига янги бир сўз тушиб қолди: “Бухорода хуррият бўлар экан. Буни ёшлар билагини билан рус консулхонаси қилар экан”. Апрельнинг 7-сида

амиримиз биринчи баённома чиқардилар. Апрельнинг 8-сида Бухоро ёшлари бойдоқ чиқариб муборакбод қилдилар. Муллалардан бир жамоа чиқиб, шу бойдоқ чиқорғонларни кофир деб ўлдирмоқчи бўлдилар. Ҳукумат амри билан ёшларнинг бирини тутиб, 75 таёқ урдилар. Апрельнинг 9-сида қўшбеги одамлари ёшларнинг уйларини босдилар. Топганларини келтириб, “обхона” деган рутубатли бир маҳбусда қамадилар ва иккитасини яна ҳукумат амри билан 75 таёқ урдилар. Ёшлар қочиб Когонга чиқдилар. Абдулҳамидхон раисликдан тушди. Маснад маҳдум раис бўлиб кетди. Самарқанддан рус солдатлари келиб, обхонадаги ёшларни қутқарди.

Мана шулар бир-икки ҳафтада бўлиб ўтган ҳодисалар. Ҳар бири бир маъно. Мен аниқ биламанки, шу ишларнинг ҳақиқат ҳикматлариндан руслар билан ёшлар ва Бухоро беклариндан бошқа кимса хабардор бўлмади. Бухоро халқи на муллабаччалари, на саҳройилари, на косиблари бу қоронғи воқеалардан бирор нарса англаёлмадилар. Тўғридир: ҳар ёнга югурдилар, истамаймиз, ўлдирамиз, ғазо қиламиз, дедилар. Нимани истадилар, кимни ўлдирмоқчи бўлдилар, кимнинг ғазосига чиқдилар? Буларни англаганлари йўқ! Мана бу рисола шуларни англамоқ учун қўшимча олдим. Негаким, тилагим халқга ҳақиқатни англамоқдир.

Ҳақиқатни бутун очиб англамоқ учун бу рисола 3 бўлакка тартиб этдим: 1. Бухоронинг ҳоли;

2. Фитна соатлари;

3. Ёшларнинг тилаклари [8,205].

Шу билан рисола яқунланмасдан қолиб кетган. Рисоланинг “Бухоронинг ҳоли”, -



деб номланган биринчи қисми бўйича айрим мақолалар чоп этилган. Бироқ “Фитна соатлари”, - деб номланган - иккинчи, “Ёшларнинг тилаклари”, - деб номланган учинчи қисми ҳеч қаерда эълон қилинмаган.

“Улуғ Туркистон” газетасининг 1918 йил май ойида чоп этилган 98-сонидан эълон қилинган “Бухоро ёшлари тўғрисида” номли мақоласи Ф. Колесов воқеаларидан кейин Ёш бухороликлар бошига тушган мусибатлар ва ушбу ҳаракат аъзоларининг тарқалишга мажбур бўлганликлари оқибатида ташкилотнинг бўлиниб кетиши ҳақида маълумот беради.

Муҳожирликдаги жамият аъзоларининг тақдири хусусида А. Фитрат куйидагиларни хотирлайди: “Бухородан ёлғиз жонларини олиб қочган 200 дан зиёд жамият аъзолари Самарқандга келгач, ҳоллари ёмонлашди. Оч ва ялонғоч қолдилар ва ҳатто баъзилари тиланчилик қилурга мажбур бўлдилар. Ҳолларини сўраган бўлмади. Раисларига буюк бир эътимод кўрсатиб, сабр ила ўтирдилар”[9]. Файзулла Хўжаев Ижроия комитетнинг 4 аъзосини олиб, Тошкентга жамият аъзолари эҳтиёжи учун ёрдам сўраб, Ф. Колесов ҳузурига кетади. 1-2 кундан сўнг, Самарқандга қайтиб келган Ф. Хўжаевнинг 4 аъзосидан иккитаси жамият аъзолигидан чиқиб кетгани маълум бўлади. А. Фитрат бу ҳолатдан ҳайратга тушганларини эътироф этиб, сўнгра Ф. Хўжаев ёшлар эҳтиёжи учун Колесовдан 10000 сўм олгани, жамият аъзоларидан 40 кишини Тошкентга олиб кетиш учун сайлаб қўйгани, қолганларга 50 сўмдан “ақча”[9] бериб, унинг “Ҳар ким ўзининг чорасини

кўрсин”, - деган сўзларини қайд этиб ўтади.

Яна Тошкентга қайтиб кетган Ф. Хўжаев 3-4 кундан сўнг бир партиядошини юбориб, 40 кишини Тошкентга чақиртиради. Мақоладаги маълумотларга қараганда, Тошкентга келтирилган 40 кишини бир неча кун вагонларда сақлагандан сўнг бир квартирага тиқиб қўядилар.

Комитетдан катта пул эвазига ҳар бир киши учун ярим қадоқдан нон ҳамда жуда ҳам кам миқдорда чой ва қанд берилган. Бунинг натижасида жамият аъзолари орасида норозилик ҳолатлари келиб чиққанини А. Фитрат куйидагича изоҳлайди: “Зулм исённинг онасидир”. Зулмга қарши исён чиқармоқ одам болаларининг тарбиятларинда бордир. Файзулла Хўжанинг бу ҳаракатлариндан мамнун қолмаган аъзолар орасида баъзи сўзлар, шикоятлар чиқа бошламиш. Шулар аснода баъзилари комиссар Колесов тарафидан Файзулла Хўжага берилган ақчанинг 10000 тугул 30000 эканини сезмишлар. Очлар орасида эътирозлар кўпайиб кетмиш”[9]. Мақолада бу эътирозлардан кейин Ф. Хўжаев жамият аъзоларига кундалик нонларини ҳам бермай қўйгани, очликдан “дод” - деб келганларга: “Ўз орангиздан эътирозчиларни чиқарсангизлар нон олиб берармиз, йўқса йўқ” - деб жавоб бергани ва бу таклиф билан янги бир ихтилоф ва низога сабаб бўлганини айтиб ўтади.

Фитратнинг ёзишича, Самарқанддаги ёшларнинг аҳволи Тошкентдагиларникиданда ёмонроқ бўлиб, улар очликдан ўлим тўшагига тушадилар. Бу ҳолатни Ф. Хўжаевга етказиш учун Тошкентга келган



муаллим Ато афанди Тошкентдаги ёшларнинг қўрқинчли ҳолларини кўриб, Ф. Хўжаевдан бутун умидини узади ва комиссар Обидовга мурожаат қилади. Аҳволни ўнгладиб, Тошкентдаги жамият аъзоларига ер топиб беради ва уларни озиқ-овқат билан таъминлайди.

Ушбу вазиятдан сўнг Ф. Хўжаев истеъфога чиқарилади, жамият янги бир идора ҳайъатини сайлайди. Муаллим Ато афанди ўз ёнидан 300 сўм бериб, Самарқандда қолган ҳаракат аъзоларини ҳам Тошкентга келтиради ҳамда уларни жой ва озиқ-овқат билан таъминлайди. Фитратнинг ёзишича, эски ҳайъат идорасида 10 киши бўлиб, Ф. Хўжаев истеъфога чиқарилгач, унинг икки аъзоси янги ҳайъат идорасига ўтади, тўрттаси шу ҳаракатга шерик бўлади, бир нафар аъзоси эса ўз ихтиёри билан янги жамиятга мухолиф бўлиб қолади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, А. Фитратнинг “Бухоро ёшлари тўғрисида” номли мақоласи “Улуғ Туркистон”

газетасининг 94-сонида эълон қилинган “Туркистон ва Бухоро ҳодисалари” номли мақолага изоҳ сифатида ёзилган бўлиб, унда муаллиф мақолада берилган бир-бирига зид жумлаларни кўрсатиб, бу мақола Ф. Хўжаев томонидан эмас, балки аҳволдан бутунлай хабарсиз киши томонидан ёзилганини таъкидлаб, бундай мақолафурушларга қарата; “Ўзларининг мантиқсиз мақолалари билан чораси мумкин бўлмаган ихтилоларга сабаб бўлмасликларини” илтимос қилади.

Абдурауф Фитратнинг даврий нашрларда чоп этилган мақола ва рисолалари билан танишиб чиқиб шуни англаш мумкинки, у мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган воқеа-ҳодисаларни доимо холис баҳолаган ва ҳақиқатни ёритишга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, ўз даврининг етук олими, сиёсатчи, жамоат ва давлат арбоби сифатида ўзининг қарашлари билан муносабат билдириб келган.

References:

1. Фитрат. Бир ўзбек йигитининг тилидан // “Хуррият” газетаси. 1917 йил 18 август.
2. Фитрат. Юрт қайғуси // “Хуррият” газетаси. 1917 йил 31 октябр.
3. Хабарлар // “Хуррият” газетаси. 1917 йил 7 ноябр.
4. Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. Тошкент. 2021. 11-12 бетлар.
5. Фитрат. Мухторият // “Хуррият” газетаси. 1917 йил 5 декабр.
6. Фитрат. Бухоро уламози // “Хуррият” газетаси. 1917 йил 4 ноябр.
7. Фитрат. Бухоронинг ҳоли // “Хуррият” газетаси. 1918 йил 13 январ.
8. Абдурауф Фитрат. Танланган асар. 5 жилдлик. III жилд. Тошкент: Маънавият, 2003. – 205.
9. Фитрат. Бухоро ёшлари тўғрисида. // Улуғ Туркистон, 1918 йил 30 май.